

5- Мавзу: Мафкуравий тажовуз ва ахборот хавфсизлиги

Режа:

- 1. Мафкуравий тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати.**
- 2. Мафкуравий таҳдиднинг ошкора ва ёпиқ характери.**
- 3. Виртуал мафкуравий хуружнинг оқибатлари.**
- 4. Интернет мафкуравий хуруж объекти.**
- 5. Ахборот хавфсизлигининг локал ва глобал аҳамияти.**

Глобаллашув тушунчасининг умум қабул қилинган таърифи бўлмагани боис, ... кимдир глобаллашувни объектив қонуният асосида ривожланаётган жаҳон тафаккури тарзи деб тушунтирса, яна кимдир мустамлакачиликни янгича шаклда тиклашга уриниш деб баҳоламоқда. Сиёсий соҳа вакиллари уни бутун дунё давлатларининг “сайёравий ҳокимияти”ни шакллантириш, “бутунолабий ҳокимият” (нинг асоси бўлган жараён деб баҳоламоқдалар Б.М.)

"Глобаллашув" атамаси турли мамлакатлар иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ва маданиятининг ўзаро таъсири ҳамда боғлиқликнинг кучайишини англатади.

Илмий адабиётда бу тушунчага оид кўплаб таърифларни учратиш мумкин. Масалан, француз тадқиқотчиси Б.Банди глобаллашув жараёнининг қуйидаги уч белгисини келтиради: глобаллашув — доимий давом этувчи тарихий жараён; глобаллашув — жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни; глобаллашув — миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёни.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИККИ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИНИ АЖРАТИБ КЎРСАТИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ:

ПРОГРЕССИВ (ижобий)

Илф-фан ютуқлари

Маданиятлар ва цивилиза-
циялар алмашнуви

Информацион хабардорлик

Иқтисодий тараққиёт ютуқ-
лари

Инсоният яхлитлиги ва х.к.

РЕАКЦИОН (салбий)

“Оммавий маданият”;

Нотекис тақсимот;

Мафкуравий тажовуз ва
ахборот хуружи;

Демократия экспорти;

Девиантлик “меъёрлари-
нинг” тез тарқалиши;

Суверенитетга таҳдид

ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

*ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
ГЛОБАЛЛАШУВ*

СИЁСИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

**ГЛОБАЛЛА
ШУВНИНГ
ШАКЛЛАРИ**

*МАФКУРАВИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ГЛОБАЛЛАШУВИ*

*ГЛОБАЛ МУАММОЛАР:
Оитс, Гиёхвандлик,
Экологик фалокат,
Очарчилик, Саводсизлик,
Нотинчлик ...*

*ТЕХНОСФЕРАНИНГ
ГЛОБАЛЛАШУВИ*

Иқтисодиётдаги глобаллашув барча соҳалардаги глобаллашувнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда иқтисодиётдаги глобаллашув:

- халқаро хўжалик алоқаларига барча мамлакатлар тортилади.
- бундай алоқаларга турли давлатларнинг тортилиш даражаси бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Компьютер техникаси ва электрон телекоммуникациянинг ривожини, тез юрар транспортнинг тараққий қилиши барча минтақаларни бир-бирига кўпроқ яқинлаштирди.

Иқтисодий глобализм даври қарор топганини кўрсатувчи омиллардан бири ишлаб чиқариш, савдо ва банк фаолиятининг транснационаллашувидир дейиш мумкин.

Иқтисодиётдаги глобаллашувнинг яна бир жиҳати нафақат иқтисодий алоқаларнинг узвийлигида, балки иқтисодий муаммоларнинг ҳам глобаллашувида намоён бўлади. Бошқача айтганда, алоҳида олинган мамлакатлар ҳал қила олмайдиган муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Хом-ашёнинг етишмаслиги, ресурсларнинг чекланганлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, аҳоли сонининг тез ўсиши ва унинг эҳтиёжини қондириш, ривожланган ва тараққий қилмаган мамлакатлар ўртасидаги

Б.Маъруфбоев
зиддиятлар шулар жумласидандир

ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

Бугунги кунда БААдаги 828 метрлик "Бурж Дубай" осмонўпар биноси дунёдаги энг баланд иншоот ҳисобланади. Аммо Япониянинг "Tosai Corporation" қурилиш компанияси томонидан Япония пойтахти Токио шаҳри учун ишлаб чиқиляётган "X-Speed 4000" номли лойиҳа кишини янада ҳайратга солади. Денгиз сатҳидан 4000 метр баланд бўладиган *ушбу бинода 700 мингдан 1 миллионгача одам яшаши мумкин*. Минглаб хонадонлардан ташқари *ушбу иншоотда дам олиш жойлари, парклар ва ҳатто ўрмонлар мавжуд бўлади*. Барча зарур эҳтиёжлари Қуёш энергияси ҳисобидан қондириладиган иншоотнинг лойиҳа **қиймати 900 миллиард доллар**, деб баҳоланмоқда. Яшовчиларни барча табиий офатлардан ҳимоя қила оладиган ушбу бино, агар хоҳиш бўладиган бўлса, 8 йилда қуриб битказилиши мумкин экан.

Бу соҳада ҳам яна қатор камчиликларни келтириш мумкин.

4.4-илова.

2. “МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН(МАЙДОН)”, “МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ” ВА “МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА” ТУШУНЧАЛАРИ.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони.

Ҳозирги давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир

И.Каримов

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ (лотинча *immunitatis* – бирор нарсадан озод этиш) — шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин.

- инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади.
- у ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга бўлади.
- иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизлик таъминланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи, бу билимдир. Аммо, билимларнинг ҳам тури кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги аниқ мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амри маҳолдир.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА - ИЖТИМОЙ

институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий - тарбиявий, маънавий – мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

Масалан: Таълим-тарбия ва тарғибот–ташвиқот тизими, соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари мафкуравий профилактикани амалга оширишда муҳим ўрнига эга.

Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару дostonлар, қўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий – маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари дир.

3. МАФКУРАВИЙ ҒАОЛИЯТ – МИЛЛИЙ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.

Мафкуравий фаолият мақсадли ва мўлжалли ҳаракатдир.

Ғарб мамлакатларининг мафкуравий фаолиятида кўпроқ **ИНДИВИДУАЛИЗ** кўзга ташланса

Шарқ мамлакатларининг мафкуравий фаолияти негизида **ЖАМОАВИЙЛИК** кайфияти устувордир.

Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафкуравий фаолият тамойиллари:

- **ЯРАТУВЧАНЛИК,**
- **ГУМАНИЗМ,**
- **ПЛЮРАЛИЗМ,**
- **ТОЛЕРАНТЛИК,**
- **ЭЗГУЛИК ТОМОН ҲАРАКАТ.**

Вайронкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафкуравий фаолият тамойиллари:

- **БУЗҒУНЧИЛИК,**
- **АҚИДАПАРАСТЛИК,**
- **ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА МОЙИЛЛИК ва х.к.**

Мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари:

- **ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ,**
- **ИНТЕРНЕТ ва х.к.**

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

- 1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил.**
- 2. Каримов И. А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.**
- 3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.**
- 4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (ўқув қўлланма). Назаров Қ тарҳирири остида. Т.: Янги аср авлоди, 2002**
- 5. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Т.: Ғ.Ғулом, 2007.**
- 6. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.-Т.:Янги аср авлоди, 2001.**
- 7. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. - Т.:Ўзбекистон, 2004.**
- 8. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.**
- 9. Аббосхўжаев А., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. –Т.: Академия, 2007.**
- 10. Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? –М.: «Новый век», 2002.**



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ !!!



А.Абдуллаев